

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИ
ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7883245>

Жуманиязов Адилбек Шоназарович

Аннотация: Ушбу мақолада маъмурий тартиб-таомилларнинг давлат бошқарувида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда тутган ўрни очиб берилган. Мақолада маъмурий ҳужжатни қабул қилишга доир маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий қоидалари ва унинг юридик табиати илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилиб, миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш, судлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларга оид қонунчиликни қўллаш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: маъмурий судлар, маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий органлар, маъмурий ҳужжат.

PECULIARITIES OF APPLICATION OF THE LAW OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN “ON ADMINISTRATIVE PROCEDURES” BY ADMINISTRATIVE
COURTS

Annotation: This article reveals the role of administrative procedures in state management, in the implementation of the rights and freedoms of citizens. In the article, the main rules of administrative procedures for the adoption of an administrative document and its legal nature are researched from a scientific and theoretical point of view, and scientific and practical proposals and recommendations are given for the further improvement of our national legislation, and the application of the legislation on administrative procedures by the trial.

Keywords: administrative courts, administrative procedures, administrative bodies, administrative document.

ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ЗАКОНА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН «ОБ
АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУРАХ» АДМИНИСТРАТИВНЫМИ СУДАМИ

Аннотация: В данной статье раскрывается роль административных процедур в государственном управлении, в реализации прав и свобод граждан. В статье с научно-теоретической точки зрения исследуются основные правила административного производства по принятию административного документа и его правовая природа, даются научно-практические предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию нашего национального

законодательства, применение судами законодательства об административных процедурах.

Ключевые слова: административные суды, административные процедуры, административные органы, административный документы.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш белгиланганди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдагидаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони билан 2021 йил 1 январдан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди¹¹⁵.

Бу маъмурий судлар батамом тугатилганини англатмайди, албатта. Суд тизимининг сифатини ошириш, ягона суд амалиётини шакллантириш учун ҳам судлар бирлаштирилди. Аммо умумий юрисдикция судларидан алоҳида ва мустақил маъмурий судлар тизими сақлаб қолинди. Демак, бундан буён ҳам мамлакатимизда маъмурий ҳуқуққа оид қонунчилик такомиллаштириб борилади.

Янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги қонуни билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг қабул қилиниши ва 2018 йил 1 апрелдан амалга киритилиши муносабати билан, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни судда кўриш тартибига оид нормалар Фуқаролик процессуал кодексидан чиқарилиб, янада такомиллаштирилган ҳолатда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексидан ўрин олди.

Айнан, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судловга тааллуқлилик масаласини ҳал қилишда, судлар жисмоний, юридик шахсларнинг маъмурий орган (давлат органи) билан ўрталарида юзага келган низоли муносабат, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдагидаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони//<https://lex.uz/uz/>.

ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан келиб чиққанлигига эътиборни қаратишлари лозим бўлади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўз ўрнида, бошқарув соҳасидаги ҳужжат ва ҳаракатларнинг суд томонидан текширилиши фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга риоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги Қонуни 2019 йилнинг 8 январидан кучга киргани ва шу кундан бошлаб маъмурий органлар томонидан амалиётга татбиқ этилган бўлсада, судлар томонидан маъмурий органларнинг ушбу қонун нормаларига таянган ҳолда қабул қилган қарорларини қонунийлиги юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўриш амалиёти бугунги кунга келиб тўлиқ шаклланган деб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингунига қадар маъмурий органлар фаолияти алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун нормалари махсус қонунлар билан тартибга солинмаган ҳолларда қўлланилади.

Шу ўринда, бир муаммоли вазият юзага келади, гарчи ушбу қонун ва махсус қонунларда маъмурий тартиб таомилларнинг асосий принциплари, маъмурий иш юритиш, маъмурий ҳужжатни қабул қилиш ва уни ижро этиш тартиби бир-биридан фарқ қилмасда, қабул қилинган қарорларнинг шикоят қилиш муддатларида катта фарқ мавжуд. Масалан, Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги махсус комиссиянинг қарорларига нисбатан судга ва юқори турувчи органга шикоят келтириш муддати бир ой деб белгиланган бўлса, мазкур қонунда маъмурий органнинг қарорига нисбатан шикоят келтириш муддати 3 ой этиб белгиланган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг “Қонунчиликни қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида”ги 87-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириши, давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 186-моддасида, агар ушбу Кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса,

маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичида судга берилиши мумкинлиги белгиланган (олдинги таҳрирда ушбу муддат уч ой деб белгиланган). Шунингдек, давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўн кун ичида судга берилиши мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 86-моддасида, қўшма мажлисларнинг, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундан кўринадики, махсус қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив, идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қонунда белгиланган муддат билан мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Ўзбекистонда давлат органлари нафақат соф маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда, балки фуқаролик, иқтисодий ва бошқа муносабатларда ҳам у ёки бу даражада иштирок этишини, ҳаттоки ушбу масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилишини ҳам кўришимиз мумкин. Шунга кўра, маъмурий судлар амалиётида бундай ишларнинг қайси судларга тааллуқли эканлиги юзасидан ягона нуқтаи назарни, ёндашувни шакллантириш муҳим ҳисобланади.